

**2006-3**

**Судланганинг жиноий мақсади аниқланмасдан харакатлари нотўғри квалификация қилинганлиги учун суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Китоб туман судининг 2005 йил 25 ноябрдаги ҳукмига асосан Р. 2005 йил 12 июль куни соат 21 ларда қайноғаси Х.нинг туғилган кунига бориб, у ерда маст ҳолда қўшниси А. билан жанжаллашиб қолиб, шу куни соат 23 ларда қасдан ўлдириш мақсадида А.нинг уйига бориб, қўлидаги пичоқ билан А.нинг қорин девори ва чап кўкрак қафасига уриб, ҳаёти учун хавфли бўлган оғир шикаст етказганлиги натижасида 13 июль куни А. касалхонада вафот этган. Р. ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилган ва озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 17 январдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган, Р.га нисбатан тайинланган жазонинг ўталмаган қисми 2005 йил 2 декабрдаги амнистия актига асосан тегишлича қисқартирилган.

Бирок судлар ишни кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарорининг 4-бандидаги, айборнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиноий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек

айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феълатвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги ҳақидаги тушунтиришларига эътибор бермаганлиги;

Р. билан А.нинг ўрталарида олдиндан келишмовчилик мавжуд бўлган бўлса-да, Р.нинг А.ни қасдан ўлдириш мақсадида ҳаракат қилганлиги исботланмаганлиги;

Р. жабрланувчининг қорин ва қўкрак соҳасига пичоқ билан урганидан сўнг ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, А.ни қасдан ўлдиришга имконияти мавжуд бўлса-да уйига кетиб қолганлиги;

бу ҳолат Р.нинг қўшниси А. билан олдиндан ўзаро келишмовчилиги бўлганлиги, ҳодиса содир бўлган қуни қайноғаси Х.нинг туғилган кунига борганлиги, у ерда А. унга «сен келиб дастурхонни ҳаром қилдинг» деб гапирганлиги сабабли тортишиб қолишганлиги, шундан сўнг у уйига кетиб, орадан анча вакт ўтгач А. уйига фарзандлари билан келиб уни урганлиги, А.га қандай қилиб пичоқ тиқиб олганлигини эслай олмаслиги, А.ни ўлдириш мақсади бўлмаганлиги ҳақидаги кўрсатувлари;

жабрланувчи Ш.нинг дастлабки тергов ва судда Р. оила аъзолари билан уларнинг уйига келиб, турмуш ўртоғи А.ни “падаркушсан” деб ҳақорат қилганлиги сабабли улар иккаласи жанжаллашишганлиги, шунда Р. қўлидаги пичноқни эри А.нинг қорни ва қўкрак қафасига тиқиб олганлиги, А. ерга йиқилгач, Р. уйи томонга кетганлиги ҳақидаги кўрсатувлари;

гувоҳ Д.нинг шу мазмундаги кўрсатувлари билан Р. А.ни пичноқлаб қўйгандан сўнг ҳаракатларини тўхтатиб, уйи томон кетиб қолганлиги тасдиқланган бўлса-да, суд Р.нинг ҳаракатларини қасдан одам ўлдирганликда ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан нотўғри квалификация қилганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди

раёсатининг 2006 йил 28 апрелдаги ажрими билан Р.га оид жиноят иши юзасидан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, Р.нинг ҳаракатлари ЖК 104-моддаси 3-қисмининг “д” бандига қайта квалификация қилинган.

***5-8-06 сонли қарор***